





Зургун Шайёв

**ЭЗГУЛИККА
БАХШИДА
УМР**

92
11...18

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Академик Э.Т. Шайхов ҳақида хотиралар



„O‘QITUVCHI“ НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ
ТОШКЕНТ — 2011

УДК:001(575.1)(092)
ББК72.3(5Ў)
Ш.18

Тузувчи муаллифлар:
ХОТИМА ШАЙХОВА, фалсафа фанлари доктори, профессор.
АЛИШЕР ШАЙХОВ, иқтисод фанлари номзоди.

Ўз боши муаллифи ва муҳаррир
МАҲМУД САТТОРОВ, публицист.

72.3(Ў)
Ш18

Шайхова, Хотима Омиловна.
Эзуликка бахшида умр : Акад. Э. Т. Шайхов ҳақида хотиралар. / Тузувчи муаллифлар Х.О. Шайхова, А. Шайхов; ўз боши муаллифи ва муҳаррир М. Сатторов. — Т.: „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011. 152 б. — Тузувчи муаллифлар тит. в. орқасида кўрсатилган.

И. Шайхов, Алишер.

ISBN 978-9943-02-417-5

Тошкентда, бутун Ўзбекистонда Шайховлар сулоласини халқимиз яхши танийди. Фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов мансуб бўлган оиладан фарқли ўлароқ, Эркин Турдиевич Шайхов бош бўлган сулола мавжудки, бу қавм республикамиз иқтисодиёти, сиёсати, илм-фани, дипломатияси яқин тарихида муносиб ўрин тутди.

Маърифатли ўзбекнинг зиёкор оиласи — Шайховлардан файласуф олима, фан арбоби Хотима Шайхова, тиббиётчи мураббий Холида Шайхова, дипломат ва давлат арбоби Алишер Шайховлар етишиб чиққан. Сулола чинори Эркин Турдиевич Шайхов мамлакатимиз иқтисодиёти, аграр сиёсати, олий таълим тизимида салмоқли ўринга эга бўлган шахс, мураббий, арбоб эди. Ушбу китоб мазкур сулола ҳаётини ёритаркан, мустақил Ўзбекистонимизнинг яқин тарихига туташиб кетгани билан аҳамиятлидир.

УДК:001(575.1)(092)
ББК72.3(5Ў)

© „O‘qituvchi“ НМИУ, 2011

ЯШАШ ИЛМИ

— 1 —

Биз сизга таништирмоқчи бўлган Эркин Шайхов ва унинг сулоласини Тошкентда таниқли яна бир Шайховлар авлоди — фантаст ёзувчи Ҳожиакбар Шайхов ва унинг ака-ука, опасингиллари билан адаштириб юбормаслигингизни сўраймиз. Бу икки қавмда анча-мунча ўхшаш томонлар бор. Иккала сулола ҳам пойтахтнинг яхши ном билан эътибор топган обрўли оилаларидан. Ҳожиакбар Шайхов машҳур ўзбек адиби. Бобокалони Тошкентдаги Тиллашайх мадрасасини қурдирган улуг зотлардан бўлиб, ундан тарқаган авлодлар Шарқий Туркистон — Уйғуристонда туғилиб, умргузаронлик қилишган. Уларнинг ҳозирги авлоди ўтган асрнинг олтинчи йилларида Ўзбекистонга кўчиб келиб, сулола эстафетасини давом эттирган. Ҳар икки оила вакиллари ҳам мамлакатимизда нуфузли зиёлилар сифатида ном қозongan. Ҳар икки Шайховларда ҳам фан докторлари, профессорлар, айниқса, тиббиёт соҳасида элга маълум олималар бор. Бундай ўхшашлик, уйқашлик, яқинликка қарамай, ҳар икки Шайховлар алоҳида-алоҳида сулола — қавмлар эканлиги, улар шунчаки фамилиядош бўлганликларини айтиб ўтиш бизнинг бурчимиз.

Ушбу очерк қаҳрамони Эркин Турдиевич Шайхов ўз сулоласи маёғи бўлгунига қадар узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтган, туб тошкентлик, шаҳарнинг қоқ марказида туғилиб-ўсган, сулола насаби юздан ошиб бандаликни бажо қилган — Эркин Шайховни болалигидан то халқимиз орасида номдор жамоат ва давлат арбоби бўлгунича тарбиялаб, ўстириб-ундириб келган бобоси Аҳмадшайх ота номидан бошланади. Албатта, отаси Турди Шайхов ҳам ўқимишли одам бўлиб, хизмат пиллапоясида районо мудири даражасигача кўтарилган, касаллик туфайли умри вафо қилмай, 39 ёшида вафот этиб кетган.

Тақдир тақозоси билан II жаҳон уруши йилларида боқувчисидан айрилиб қолган катта оила ҳали 14 ёшга тўлиб улгурмаган Эркин қарамоғида муҳтожликда қолади. Кекса бобою буви, муштипар она, сингил ёш бола — 7-синф ўқувчиси қўлига қараб қолади. Уруш эрта улғайтирган бўлали, зийрак ўспирин ўз ташаббуси билан ҳарбий заводга ишчиликка ёлланади. 14 ёшида оғир меҳнати эвазига катта рўзғорни боқишга, залварли турмуш аравасини судрашга киришади...

— 2 —

Бир болага етти қўшни ота-она, деганларидек, маҳалла оқсоқоллари ҳамда донишманд бобоси Аҳмадшайх ота маслаҳатлари билан Эркин икки фронтда — ҳам заводда ишлаб, ҳам кечки мактабда ўқишини давом эттиради. Ёшлик, ватанпарварлик туйғуси билан 14 яшар ўсмир икки бор фронтга жўнатишларини сўраб ҳарбий комиссариатга ариза беради. „Фронт орти ҳарбий заводда ишлаб, армиямизни лозим қурол-аслаҳа билан таъминлашда қўшаётган ҳиссанг урушга борганинг билан баробар, қолаверса, ҳали ёшинг 17 га тўлмаган“, деб илтимосини рад қилишади. Урушнинг қимматчилиги, қаҳатчилиги ой-кунларини Эркин заводдан берилган „заборная“ карточкаси воситасида меҳнат ҳақиға қора нон олиб, катта оилани очлик-забунликдан сақлаб қолади.

Мактабни тугатгач, завод йўллаган Тиббиёт институти қолиб, тасодифан бобоси Аҳмадшайх отадан юққан ўсимлигу дов-дарахтларга меҳр ҳисси Қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетига етаклайди ва Эркин 1944 йил Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг талабаси бўлади. Айтиш лозимки, ҳаётнинг кутилмаган машаққатли синовларидан сабр-бардош билан ўтган ўспирин институтгача бўлган уруш йиллари фронт орти хизматини, самарали меҳнат туфайли медаль соҳиби бўлиш билан якунлайди. Олий ўқув юртига у тайёр ёш кадр, илм ва меҳнатга фаол, рус тилини мукамал билувчи, тоғни урса, толқон қиладиган куч ва шижоат билан кириб келади. Тез орада аъло ўқишдан ташқари, жамоат ишларида ўзини кўрсатиб, институт ёшлари сардори даражасига кўтарилади. Эркин

Шайхоннинг жамоат ва давлат арбоби даражасига етиб, ўз халқи ва Ватанига муносиб хизмат қилиши, фаолиятининг илк қадами — мана шу хизмат пиллапоysi — ёшлар сардори бўлиб обрў топганидан бошланади. Бу ёғи собиқ Совет ҳокимияти йилларида расм бўлган „комсомол, партия-совет органларида“ узоқ ва сурункали ишлаш жараёни бошланиб кетади. Бу орада мустақил фикр эгаси бўлган ёш йигит ўзига муносиб фаоллардан Хотимахонни турмуш ҳамроҳлигига танлаб, тўй қилиб, оила қуради ва катта рўзғорни келин билан бирга обод қилишга киришади.

Олдиндан айтиб қўйиш керак, севги ва садоқатга йўғрилган бу жуфтлик бири бирига шогирд, бири бирига устоз бўлиб, ҳаётнинг барча синовларига бардош бериб, ҳамиша интеллектуал жиҳатдан олға интилиб, таъбир жоиз бўлса, Эркин Шайхон ўз соҳаси — қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг Ойбеги, Хотимахон унинг муносиб жуфти ҳалоли, олима Зарифахон бўлиб, ҳам оилавий, ҳам ижтимоий ҳаётда катта ютуқларни қўлга киритадилар. Эл-юртига муносиб хизматда бўлган фарзандлар тарбиялаб, ўзлари яшаб келган жамиятнинг олди сулолаларидан бирига айланадилар.

— 3 —

Эркин Шайхон ота-бобосининг қони, ҳаётдан олган сабоғи, худо берган салоҳияти билан ёш мутахассис кадр, қайси катта-кичик лавозимда ишламасин, ўз вазифасини тиндириб бажаради. Борган жамоаси ва давлат органлари ишончини оқлайди. Оқибат, собиқ комсомолу партия „чиновник“лигидан, ниҳоят, 1955 йили республиканинг йирик қишлоқ хўжалиги туманларидан бири бўлган Бўкага биринчи котиб лавозимига кўтарилади. Бу масъул вазифага тайинланганда Эркин Шайхон эндигона 27 ёшга кирган, икки боланинг отаси бўлган, ҳаётини янги бошлаётган ёш йигит эди.

Ёш раҳбар ишни халқнинг саломатлигига ғамхўрлик қилиш, ўша пайтларда авж ола бошлаган юқумли касалликлар: безгак, сариқ касали, сил ва камқонликка қарши курашдан бошлайди. Бунинг учун шифокор-тиббиётчилар штатини кенгайтириб, Тошкентдан соҳанинг малакали

мутахассисларини туманга ишга жалб қилади. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлайди. Меҳнаткашлар оғирини енгил, узоғини яқин қилиш учун районни бошқа туманлар билан боғлайдиган ришталар — катта йўллар қуриш ва уларни текис асфальт магистралларига айлантиришга жадал қилишади. Бунинг учун пойтахтдаги марказий идоралар ва лойиҳа-қурилиш институтлари розилигини олиб, лозим мутахассисларни ишлатиб, қисқа муддатда шаҳарга кирадиган катта-кичик йўллар барпо этади, бу йўллар орадан ярим асрдан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да, ўз бунёдкорига бугун ҳам миннатдор элининг раҳмати, дуосини келтирмоқда.

Ёш раҳбар мактаб-маориф соҳасига катта эътибор қаратади. Мактаб бинолари, ўқитувчиларни уй-жой ҳамда зарур ҳаётий манбалар билан таъминлаш, боғчалар фаолиятини такомиллаштириш учун давлатдан ажратиладиган бюджет маблағларига, мазкур ўқув-тарбия маскани жойлашган жамоа хўжаликлари томонидан ҳам салмоқли сармоя қўшилиб, эҳтиёжмандларни турар жойлар билан таъминлаш ҳамда билим ўчоқларини вақтида, сифатли таъмирлаш ишларини жорий қилади. Натижада мактаблар бошқа туманларникига қараганда моддий-техник жиҳатдан бойроқ, ўқув-тарбия сифати ҳам юқорироқ бўла боради. Мутахассислиги қишлоқ хўжалиги агрономи бўлган раҳбар аграр соҳада ҳам албатта, ўзини кўришида Бўка тумани йиллик пахта режасини бажариш бўйича икки бора республикада биринчилиқни олади, қолган йиллари ҳам Ўзбекистонда иккинчи, учинчи бўлиб, режани бажаради.

Бўка тумани аҳолисининг иқтисодий-маиший турмушини кўтариш, интеллектуал салоҳиятини оширишда Эркин Шайхонинг меҳнатлари нечоғлиқ салмоқли бўлган бўлса, ёш раҳбарнинг иш ўрганиши, одам таниши, республикамизга хос бўлган ижтимоий муаммоларга тўғри ташхис қўйишда етук мутахассисга айланишида Бўка туман аҳолиси — катта-кичик раҳбарларининг ҳиссаси ундан кам бўлмади. Қолаверса, оиланинг суюкли икки фарзанди Бўкада таваллуд топди. Бўка Эркин Шайхон ҳаётида, унинг катта ва иноқ оиласи тақдирида муваффақиятлар ва омад тимсоли

сифатида унутилмас из қолдирди. Республика раҳбарияти ёш бўлса-да, кўпга бош бўлиш замонавий намунасини кўрсатган раҳбарга катта ишонч билдириб, уни туман етакчилигидан вилоят раҳбарлигига кўтарди. Тошкент вилояти бўйича партиянинг Қишлоқ хўжалиги котиби масъул лавозимига тайинланди...

— 4 —

Қаҳрамонимизнинг хизмат пиллапоясидан юқорилашининг қоқ маркази унинг 1962 йилдан 1971 йилгача эгаллаб турган вазифаси — Тошкент вилоят ижроия қўмитасининг раиси лавозимидаги фаолияти бўлади, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Эркин Шайхон ўн йил давомида айни камолга, балоғатга етган, эр йигит ёшида элига, юртига, Ватанига, халқига қамишдан бел боғлаб, ҳалол хизмат қилди. Шахсан, шу ташаббускор ёш раҳбар саъй-ҳаракатлари билан ўша даврларда шуҳрат топган „Тошкент“ номли пахта нави, „Тошкент технологияси“, „Тошкент услуги“ каби методлар республика бўйлаб кенг қанот ёзди. Барча вилоятлар ҳам қўлда, ҳам пахта териш машиналарида отни қамчилаб, йиллик планини бажаришга нечоғлиқ интилишмасин, катта меҳнат фронтига жиддий тайёргарлик кўрган Тошкент вилояти, яхши от кейин чопади, қабалида иш кўриб, ялпи дефоляция қилинган, пахтаси тошиб очилган далаларга юзлаб зангори тулпорларни тушириб, кунига йиллик режанинг тўрт-беш, олти фоизи миқдорида „оқ олтин“ топшира бошлар ва табиийки, бир-икки декадада республикада пешқадам вилоятга айланарди.

— 5 —

Қазисан-қартасан, ахир аслингга тортасан, деганларидек, Қишлоқ хўжалиги институтининг агрономия факультетини тугатган қишлоқ хўжалиги етук мутахассиси, барча синовлардан муваффақиятли ўтган Эркин Шайхон, ниҳоят, собиқ Иттифоқнинг улкан аграр республикаси саналмиш Ўзбекистоннинг Қишлоқ хўжалиги министри лавозимига тайинланади.

Қирқ беш ёшида республика халқ хўжалигининг асосий тармоғи ҳисобланмиш қишлоқ хўжалиги тизимини бошқариш очерк қаҳрамонининг истиқболи порлоқлигидан далолат беради.

У даврларда „оқ олтин“ ўлкаси ҳисобланган қуёшли Ўзбекистон ҳар йили Иттифоқ давлатига етказиб берган пахта маҳсулотининг миқдори билан кун кечирарди. Бошқа ер усти ва ер ости табиий бойликлари ҳам бир сари, „оқ олтин“нинг йилда миллиони ошириб борилар, республика раҳбарияти марказ талабини ҳар қандай қурбонлар эвазига бўлса ҳам, қулоқ қоқмай бажаришга мажбур эди. Шу сабаб, об-ҳаво қандай келишидан қатъи назар, мактаб ва олий ўқув юртлари талабалари, корхоналар ходимлари йиллик пахта топшириш режаси бажарилмагунча, октябрь, ноябрь, декабрь ойлари бўлсин, пахта далаларида қолиб кетар эдилар. Бунинг устига пахтани эрта етилтириш учун далаларга заҳарли химикатлар сепилар, ер, сув, ҳаво, ўсимлик, дов-дарахт борки, бу заҳри қотилдан зарар топар, қишлоқда яшовчи аксарият аҳоли ўртасида сариқ касали, жигар хасталиклари кенг тарқалган эди.

Албатта, ёш, ғайратли, ватанпарвар вазир бу муаммоларни имкон даражасида ечиш, ҳал қилиш учун мутахассислар ва раҳбар доиралар билан ҳамкорликда қўлдан келган ҳамма ишларни бажарарди. Қишли-қировли кунларга қолиб кетмаслик учун институтлар эрта етиладиган, тош босадиган, толаси юқори пахта навларини яратиб, колхоз-совхозларда районлаштириш, пахта териш машиналари иш унумдорлигини ошириш, янги кўриқ ерларни ўзлаштириб, қишлоқ хўжалиги оборотига киритиш, иссиққа чидамли ва камсув ичадиган навлар яратиш ҳаммиша кун тартибида кўндаланг турарди...

— 6 —

Эркин Шайхов министр бўлган йиллари „оқ олтин“ ҳосилдорлигини оширишнинг ҳар қанча чора-тадбирлари кўрилмасин, юқорининг талаби даражасида ҳосил етиштириш, давлатга бу қимматбаҳо техник ўсимлик маҳсулотини

етарли миқдорда, олий сифатда етказиб беришнинг имкони йўқ эди. Шу ҳолатдан келиб чиқиб, 70-йилларда мамлакатнинг бошқа республикаларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам кўзбўямачилик, қўшиб ёзишга ўтиш бошланган эди. Шу муносабат билан, тўғри ўсган, тўғри ишлаган, тўғри юрган одам — ташаббускор раҳбар кетма-кет турли мушкул муаммоларга дуч кела бошлайди. Аввало, тасодифми, заруратми, Сурхондарёда пахта даласида етиштирилган тарвуз полизидан узилган неъмат вазирни заҳарлайди, соғлиққа путур етади. Шу сабабли энди бу вазифада ишлаш, далаларга чиқиш, қишлоқнинг заҳарланган ҳавосидан нафас олиш мумкин эмасди. Қатъий шифокор назорати ва мунтазам парҳезда юриш талаб этиларди. Йиқилган устига тепган деганларидек, қишга яқинлашган сайин республикада пахта плани маълумотини ошириб кўрсатиш, қўшиб ёзиш авжига чиқа бошлайди. Бу кўзбўямачиликнинг олдини олиб, уни бартараф қилишга масъул раҳбарлар, аксинча, унга кенг йўл очиб, планни қоғозда ошириб бажаришга шароит яратиб берадилар.

18 ёшидан катта-кичик раҳбарлик лавозимларида ишлаб келаётган Эркин Шайхов 30 йиллик меҳнат фаолияти давомида бундай жумбоққа рўпара келмаганди. Шу сабабли ва қолаверса соғлиғи туфайли ўз лавозимидан озод қилишларини сўраб Шароф Рашидов ва собиқ Иттифоқ қишлоқ хўжалиги вазирига ариза устига ариза беради. Узоқ мулоҳаза-муҳокамалардан кейин Эркин Шайхов, саломатлиги важдан бошқа ишга ўтказилади...

— 7 —

„Бошқа иш“ албатта олдиндан келишилган бўлиб, собиқ вазир, республикада таниқли қишлоқ хўжалиги арбоби Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректорлиги лавозимида тайинланганди. Бир ёмоннинг бир яхшиси, дегандек, Ўзбекистоннинг, ўша даврда собиқ Иттифоқнинг нуфузли олий даргоҳларидан бири ҳисобланмиш институтда янги раҳбарни катта, тарихий аҳамиятга молик, залварли ишлар кутиб турганди... Бу тарих санасининг 1975 йили эди. Эркин Шайхов амалиётни назария билан чамбарчас бирликда олиб бора-

диган раҳбарлардан саналарди. 1965 йилдан эътиборан, илмий журнал, тўпламларда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига оид илмий тадқиқотларини эълон қилиб борар, 1968 йили иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини ҳимоя қилган, қишлоқ хўжалиги илмлари борасида таниқли олим ҳам эди.

Албатта, илмий салоҳият, олимлик янги раҳбар учун сув билан ҳаводек зарур эди. Бироқ ректорлик лавозими янги раҳбардан кўпроқ ташкилотчилик, улкан хўжаликка оқилона етакчилик қилиш, кўп қиррали интеллектуал ўқув даргоҳини ақл билан, етти ўлчаб бир кесиб бошқаришни талаб этарди. Бошида янги раҳбарга осон бўлмади. Институт профессор-ўқитувчилари билан илгари қўл остингда ишлаган мутахассис, қишлоқ хўжалиги ходимларини бир сафга қўйиб бўлмасди. Домла деганларининг ҳар бири мустақил фикрли, ўз илм соҳасининг пешқадами, ҳар қайсиси ўзини камида Вавилов, Мичурин ё Тимирязев ҳисобларди. Бунинг устига олдинги раҳбар, атоқли академик олим Абдували Имомалиевдан кейин бу илмий педагогик жамоани бошқаришнинг ўзи бўлмасди.

Эркин Турдиевич жамоа билан 1975 йилнинг 25 апрелида ўтган биринчи учрашувидаёқ, жиддий масалаларни ўртага ташлади, ўзининг билимдон ва салоҳиятли, ташкилотчи ҳамда жонкуяр раҳбар эканлигини намоён қилди. Аслида институтда ўша йиллари камчиликлар қалашиб ётарди. Нақд 36 гектар майдонни эгаллаган илм масканида атиги 3 та икки қаватли яроқли бино бўлиб, қолганлари хом гиштдан қурилган бир қаватли омонат бинолардан иборат эди. Ётоқхоналар кам, умуман, институтнинг моддий-техник базаси ниҳоятда ночор аҳволда эди. Янги раҳбар зиммасида шу синтурарди. Ҳам таълим-тарбия соҳасини тубдан яхшилаш, ҳам ўқув бинолари, талабалар ётоқхоналарини тез суръатлар билан замон талабларига мослаштириш, профессор-ўқитувчилар билан талабалар муносабатларида соғлом маънавий муҳит яратиш шарт эди.

Ҳамиша инсон омили, унинг сиҳат-саломатлиги учун фамхўрлик қилиб келган раҳбар бу масканда ҳам одатини тарк

этмади. У ректор бўлиб келгунига қадар, институтнинг барча ўқув бинолари ва талабалар ётоқхоналари филтрланмаган ариқ суви билан таъминланар эди. У даврда кундузгидан ташқари, сиртқи таълим ҳам бўлиб, талабаларнинг сони 10 мингдан зиёд эди. Шу жумладан, турли хорижий мамлакатлардан келган талабалар ҳам 500 дан ортиқроқни ташкил этарди. Бундай ҳолдан таажжубланган Эркин Шайхов, инсон саломатлиги учун биринчи зарурий масала деб, зудлик билан институт ҳудудини шаҳар водопровод тизимидан сув билан таъминлаш муаммосини ҳал қилди.

— 8 —

1980 йили институтнинг таъсис этилганига ярим аср тўлиши муносабати билан республика раҳбарияти олий даргоҳнинг юбилейини ўтказиш қарорини чиқарди. Шу муносабат билан давлат бюджетидан катта маблағ ажратилиб, олий масканнинг хизмат кўрсатган жамоа аъзолари давлат мукофотлари, орден-медаллар билан тақдирландилар. Ислохотлар ва янгиланишлар моддий манба асосида кенг қанот ёзди. Институт илмий кенгашини „жамоат юраги“ деб атайдиган раҳбар, унга талабалар вакиллари ҳам аъзо қилиб, уларни барча муаммоларни яширмасдан очиқ айтишга ундарди. Ўзи инсоний, касбий тартиб-интизомга риоя қилган ректор бошқа маъмур, профессор-ўқитувчилар, аспиранту талабаларни ҳам бу қоидаларни қадрлашга даъват этарди.

Ёшликдан муомала маданияти ва инсоний дипломатияни яхши ўзлаштирган Эркин Турдиевичнинг Тошкентдагина эмас, олий ўқув юртлари раҳбарлари орасида, Иттифоқ пойтахтидаги раҳбарият доирасида ҳам обрўи баланд эди. Ўз олий даргоҳи учун маблағ ундиришда ректорлар орасида Эркин Шайховнинг тенги йўқ эди. Шундай ўқув йиллари бўлгандики, биргина қишлоқ хўжалиги институти учун белгиланган бюджет молияси бошқа олийгоҳларникига нисбатан кўпроқни ташкил этарди.

Бу маблағларга қисқа муддатда янги, замонавий ўқув биноси, йирик фундаментал кутубхона, бир неча талабалар ётоқхонаси, республикада ягона, энг муҳташам спорт маж-

12

- 9 -

12

- 10 -

Эркин Шайховнинг интернационал зиёлилигига қўллаб-қувватловчи мисоллар келтириш мумкин. У ўз университетини фақатгина

бир олий ўқув юрти сифатида кўрмай, уни кичик Ўзбекистон ҳисобларди. Шу сабаб, республика миқёсидаги спорт мусобақалари, катта юбилейлар, байрам тадбирлари, йирик халқаро анжуманларни Ўзбекистон номидан ўз даргоҳида ўтказишни хуш кўрар ва бундан алоҳида завқ, илҳом оларди. Тадбир сценарийсини ўзи кўриб, ўзгартиришлар киритар, барча юмушларга шахсан бош-қош бўларди. Ана шундай тантанали дамларда университет талабалари ва лицей ўқувчилари интернационал жамоада барчалари ўз миллий либосларида чиқиб, ашула ва рақсларини ижро этиб, йиғилганларни қойил қолдирардилар. Улар орасида собиқ СССРдан ташқари, Кичик Осиё, Европа, Африка минтақалари миллий талабалари ҳам бўлардики, бу тадбир халқаро анжуман — байрамга айланиб кетарди.

Эркин Турдиевич Шайхоннинг илмий-педогогик фаолияти мустақиллик йилларида кенг қанот ёзди. У биринчилардан бўлиб озод элнинг профессори, қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги бўлди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби сифатида мамлакат ҳукуматининг эътироф ва эътиборига сазовор бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Қибрай туманининг халқ ноиби бўлиб, давлат қонунчилигида ўз тажрибасидан келиб чиқиб, муносиб ҳисса қўшди. Мустақил Ўзбекистон Республикаси аграр сиёсатида ўз салмоқли овозига эга бўлди.

Олимлик ва педагогик, китоб, дарслик, қўлланма, рисола, илмий мақолалар яратишда ҳеч маҳал амалини суистеъмол қилмади. Муаллифлар жамоасига мингашмади. Ҳамиша, қайси муаммога қўл урмасин, ўз параграф, боб, қисмини ўзи ёзди. Илмий-ижодий ҳалолликка қатъий риоя қилди. Қишлоқ хўжалиги билимларини халқимиз ҳаётига татиқ этишда амалий натижаларга эришди.

Олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртлари дарслиги — „Пахтачилик“нинг 13, 15-бобларини ёзди. Президент Ислон Каримовнинг „Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари“ китоби ғояларига суяниб, мамлакатимизда Истиқлолнинг дадил одим отишига кўмаклашди. Олим бу даврда „Бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари“, „Ризқ-рўзимиз деҳқон қўлида“, „Озиқ-овқат программасини ҳал

этиш йўллари“, „Ўзбекистон мустақиллик йўлида“, „Чорвачилик ва гўшт-сут етиштириш муаммолари“, „Бозор иқтисодиёти ва Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг истиқболи“, „Истиқлол ва ёшлар“, „Истиқлол ва истиқбол“, „Ер боққанни боқади“ каби 20 дан ортиқ рисола ва муаммоли илмий мақолалар яратиб, янги тузум ва тизимда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг равнақини таъминлашда йўл кўрсатди.

Академик Эркин Турдиевич Шайхоннинг бевосита раҳбарлиги ва муаллифлигида яратилган „Пахтачилик“ энциклопедияси қишлоқ хўжалиги экинлари, зироатчилик маданияти тарихий тараққиётини ёритишда халқаро билимлар маълумотномаси бўлиб қолишига асло шубҳа йўқ.

Халқ хўжалигининг истиқболини белгилашда ўз амалий маслаҳат ва тавсиялари билан фаол иштирок этди. Илмий кенгаш раиси сифатида билвосита юзлаб фан фидойилари етишиб чиқишига хизмат қилди. Бевосита унинг раҳбарлиги ва кўмагида етишиб чиққан фан доктори ва фан номзодлари мамлакатимиз халқ хўжалиги бошқарувида етук мутахассислар бўлиб, бугунги кунда ҳам самарали хизмат қилмоқдалар. Талаба, аспирант, шогирдларини санаб адоғига етишингиз қийинки, улар нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа давлатларда ҳам қишлоқ хўжалиги ривожига баракали ҳисса қўшиб келмоқдалар.

— 11 —

Қаҳрамонимизнинг оилапарварлиги ҳақида икки оғиз. „Уйда тинчи бўлсин йигитнинг“, дейди шоир. Эркин Шайхон ўзбек миллий анъанавий оиласини сулола бошлиғи сифатида тишлаб-тирноқлаб, сув келса симириб, тош келса кемириб, бир умр расамадида сақлаб, бировдан зиёд, бировдан кам қилмай, рўзғор аравасини тортиб келди. Оиланинг тинч-осойишта бўлиши ҳам аввало рўзғор бошлиғи, эр — отага боғлиқ. Жажжи давлат — катта оилани бошқаришда оқсоқол бобоси Аҳмадшайх ота то 103 йил умр кўргунча неvara-раҳбарга бош-қош, асосий кўмак ва маслаҳатларини аямади. Онаси Лутфиниса ая келинига кўмакчи, невараларига меҳрибон буви — энагалик қилди. Турмуш ҳамроҳи, ўзи

МУНДАРИЖА

ЯШАШ ИЛМИ	3
НУРЛИ ХОТИРАЛАР	23
СУЛОЛАМИЗ ЧИНОРИ	78
ҚУТЛОВЛАР, ҲУЖЖАТЛАР	135

Тузувчи-муаллифлар

**ХОТИМА ШАЙХОВА,
АЛИШЕР ШАЙХОВ**

ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР

Академик Э.Т. Шайхов ҳақида хотиралар

*„O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент — 2011*

*Нашриёт муҳаррири Абдулла Ҳасанов
Бадий муҳаррир Дилмурод Мулла-Охунов
Техник муҳаррир Сурайё Набиева
Компьютерда саҳифаловчи София Мусажонова
Мусаҳҳиҳ Малоҳат Иброҳимова*

Нашриёт лицензияси АИ№161. 14.08.2009. Оригинал-макетдан босишга рухсат этилди 3.10.2011. Бичими 60x84¹/₁₆. Кегли 11 шпонли. Таймс гарн.

Офсет босма усулида босилди. Офсет қоғози. Босма т. 9,5 + 2,0 вкл.

Шартли б.т. 8,83+1,86 вкл. Нашр т. 9,2 + 1,98 вкл.

500 нусхада босилди. Буюртма № 194-11.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг „O‘qituvchi“ нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент — 129. Навоий кўчаси, 30-уй // Тошкент, Юнусобод даҳаси, Янгишаҳар кўчаси, 1- уй.
Шартнома № 07-95-11.